



**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MOLIYA VAZIRLIGI  
BUYRUQ**

**"10" Avgust 2022 y**

**№ 110**

**Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган  
"Очиқлик индекси"ни жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон ҳамда 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бюджет очиқлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштирилишини баҳолаб бориш ва рейтингини юритилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳ 1-иловага мувофиқ;

Молия вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари билан расмий веб-сайтларда очиқланиши белгиланган маълумотларни ўз муддатида ва сифатли тарзда эълон қилинишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳ 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ахборот технология маркази (И.Жуманиёзов) ва Ахборот хизмати (М.Ҳамроқулов) Молия вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар

томонидан расмий веб-сайтга ([www.mf.uz](http://www.mf.uz)) жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотларни сифатли ва белгиланган муддатларда расмий веб-сайтда ([www.mf.uz](http://www.mf.uz)) эълон қилиб бориш бўйича **ишчи орган** этиб белгилансин.

3. Расмий веб-сайтда ([www.mf.uz](http://www.mf.uz)) эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар ва ушбу маълумотларни тақдим этувчи (ишлаб чиқувчи) департамент ва бўлинмалар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур буйруқнинг 3-иловасида кўрсатилган масъул департаментлар томонидан Очик маълумотлар порталига ([data.egov.uz](http://data.egov.uz)) тегишли маълумотлар департамент вакили томонидан ўз вақтида тўлдирилсин ва ҳаволаси Ахборот хизмати (М.Ҳамроқулов) га ўз вақтида тақдим этилсин.

4. Молия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан вазирликнинг расмий веб-сайтига маълумотларни жойлаштириш тартиби 4-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

5. Белгиласинки, мазкур буйруқнинг 3-иловасига мувофиқ маълумотларни ўз вақтида ва сифатли тарзда ишчи органга тақдим этилишига шахсан департамент (бошқарма) раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

6. Маълумотларни тақдим этувчи (ишлаб чиқувчи) департамент ва бўлинмалар томонидан тегишли маълумотлар эълон қилиниши лозим бўлган муддатида **камида беш иш кuni олдин** ишчи органга тақдим этилади.

Ишчи орган маълумотларни белгиланган муддатларда ёки шаклларда тақдим этмаган департамент ёки бошқарма (бўлинма) ходимлари устидан Ишчи гуруҳ раисига билдиришнома киритиш ҳуқуқига эга.

7. Ишчи органга тақдим этилган маълумотлар Ишчи гуруҳ аъзолари билан кўриб чиқилган ҳолда расмий веб-сайтда жойлаштириш юзасидан қарор қабул қилинади ҳамда уларни эълон қилиш мақсадида ишчи орган томонидан Ахборот технологиялари марказига тақдим этилади.

Ишчи гуруҳ томонидан маълумотларни тўлиқ эмаслиги ёки ҳисоботларда камчиликлар кузатилганда маълумотларни тақдим этган тегишли департамент (бошқарма)га камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар беради.

8. Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти (Д.Пўлатов) бюджет жараёни очиклигини таъминлаш мақсадида **давлат органлари ва ташкилотлари томонидан** тегишли маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириб борилишини мониторинг қилиш ҳамда Очиклик индексини юритиб бориш мақсадида **икки нафар** масъул ходим бириктирилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти томонидан: хар чорак якунларига кўра чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар бюджет очиклигини таъминлаш юзасидан белгиланган маълумотларни барча даражадаги бюджет тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан уларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилишини ўрганади ҳамда уларни баҳолаб боради;

йил якунларига кўра келгуси йил март ойининг **20-санасига** қадар барча даражадаги бюджет тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини баҳолаш натижаларига кўра

тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этилишини таъминласин.

10. Масъул ходимлар томонидан баҳолаш тизимини амалга оширилиши ҳаққонийлиги бўйича Ишчи гуруҳ назорат ўрнатади ҳамда ҳар чорак якунлари бўйича шаклланган баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил қилиб боради.

11. Ахборот хизмати (М.Ҳамроқулов) **давлат органлари ва ташкилотларини** баҳолаш натижаларини мунтазам равишда вазирликнинг расмий веб-сайти орқали эълон қилиб борилишини таъминласин.

12. Ахборот технология маркази (И.Жуманиёзов):  
расмий веб-сайтининг бош саҳифасида алоҳида бўлим яратилишини ҳамда ишчи органлар томонидан тақдим этилган маълумотларни ушбу саҳифага белгиланган муддатларда жойлаштириб борилишини таъминласин;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бюджет жараёни очиқлигини таъминлаш мақсадида эълон қилиб борилиши лозим бўлган маълумотларни шакллантиришни автоматлаштириш мақсадида “УзАСБО” ДМнинг ҳисоботлар қисмида “Бюджет очиқлиги” модулини ишга туширсин.

Бунда, вазирлик ва идоралар томонидан тегишли маълумотларни ушбу модул орқали шакллантириш ва кейинчалик ўзларининг расмий веб-сайтларига интеграция қилинишини ҳамда маълумотларни тўғридан-тўғри эълон қилиш тизимини жорий қилсин;

давлат органлари ва ташкилотларини баҳолаб бориш учун масъул этиб белгиланган ходимларга “УзАСБО” ДМда маълумотларни эълон қилиб борилишини “реал-вақт” кўринишида мониторинг қилиб бориш имкониятини яратсин.

13. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва ходимларни маъмурлаш департаменти (А.Бобоев) эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни тақдим этувчи (ишлаб чиқувчи) масъул ходимлар томонидан ўзларига бириктирилган вазифаларни белгиланган муддатларда ҳамда сифатли ижро этилишини қайд этиб борсин ҳамда ушбу вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйган ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий чоралар кўриш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиб борсин.

14. Вазир ўринбосари (А.Хайдаров) Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсиясига асосан очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларни бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритсин.

15. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Молия вазирининг ўринбосарлари А.Хайдаров ҳамда О.Исаков зиммаларига юклатилсин.

Вазир



Т.Ишметов

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг  
2022 йил 10 августдаги  
110-сон буйруғига  
1-илова

**Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бюджет очиклигини  
таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга  
жойлаштирилишини баҳолаб бориш ва рейтингини юритилишини  
назорат қилиш бўйича  
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ**

| <b>Т/р</b> | <b>ФИО</b>   | <b>Иш жойи ва лавозими *</b>                                                              |
|------------|--------------|-------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1          | О.Исаков     | Молия вазири ўринбосари,<br>ишчи гуруҳ раиси                                              |
| 2          | Д.Пўлатов    | Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти<br>ишчи орган                                         |
| 3          | Т.Нарзиқулов | Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш<br>департаменти                                  |
| 4          | Б.Артиков    | Давлат органлари, прокуратура ва суд тизими<br>фаолиятини молиявий таъминлаш департаменти |
| 5          | М.Ҳамроқулов | Ахборот хизмати бош мутахассиси                                                           |
| 6          | И.Жуманиёзов | Ахборот технологиялари маркази                                                            |
| 7          | Ж.Бердиев    | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс-назорат<br>бўлими бошлиғи ўринбосари               |

Изоҳ:

- 1) заруратга кўра, ишчи гуруҳи раиси томонидан ишчи гуруҳи таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин;
- 2) ишчи гуруҳи аъзолари ўзгарганда, ушбу лавозимга тайинланган ходим ишчи гуруҳи аъзоси сифатида бириктирилади.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг  
2022 йил 10 августдаги  
110-сон буйруғига  
2-илова

**Молия вазирлиги ҳамда қуйи ташкилотлар томонидан расмий  
веб-сайтларда очиқланиши белгиланган маълумотларни ўз муддатида  
ва сифатли тарзда эълон қилинишини назорат қилиш бўйича  
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ**

| <b>Т/р</b> | <b>ФИО</b>      | <b>Иш жойи ва лавозими *</b>                                                   |
|------------|-----------------|--------------------------------------------------------------------------------|
| 1          | А.Хайдаров      | Молия азири ўринбосари,<br>ишчи гуруҳ раиси                                    |
| 2          | Ш.Мухамедов     | Давлат бюджети департаменти                                                    |
| 3          | Б.Худайбергенов | Молия вазирлиги мувофиқлаштириш ва<br>ахборот таҳлил бошқармаси                |
| 4          | А.Бобоев        | Инсон ресурсларини ривожлантириш ва<br>ходимларни маъмурлаш департаменти       |
| 5          | М.Ҳамроқулов    | Ахборот хизмати бош мутахассиси,<br>ишчи орган                                 |
| 6          | Э.Хожамбердиев  | Ишларни бошқариш бухгалтерияси                                                 |
| 7          | И.Жуманиёзов    | Ахборот технологиялари маркази                                                 |
| 8          | Ж.Бердиев       | Коррупцияга қарши курашиш ва<br>комплаенс-назорат бўлими бошлиғи<br>ўринбосари |

Изоҳ:

1) заруратга кўра, ишчи гуруҳи раиси томонидан ишчи гуруҳи таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин;

2) ишчи гуруҳи аъзолари ўзгарганда, ушбу лавозимга тайинланган ходим ишчи гуруҳи аъзоси сифатида бириктирилади.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг  
2022 йил 10 августдаги  
110-сон буйруғига  
3-илова

**Расмий веб-сайтларда эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар ва ушбу маълумотларни тақдим этувчи  
(ишлаб чиқувчи) департамент ва бўлинмалар рўйхати**

| <b>Т/р</b> | <b>Маълумот тури</b>                                                                                                                                                                      | <b>Муддати</b>                                     | <b>Маълумотларни<br/>эълон қилиш лозим<br/>бўлган манзил</b> | <b>Маълумот тақдим этувчи<br/>департамент ёки бўлинма</b>                   | <b>Масъул ходим<br/>Ф.И.О.</b> |
|------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|
| 1          | Даврий молиявий<br>хисоботлар, бюджет<br>маблағларининг тақсимо­ти,<br>давлат харидлари<br>тўғрисида, капитал<br>қўйилмалар ҳамда қурилиш<br>ва таъмирлаш ишлари<br>тўғрисида маълумотлар | Чорак якунидан<br>кейинги ойнинг<br>25 санаси      | Расмий веб-сайт                                              | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия)                              | Э.Хожамбердиев                 |
| 2          | Автомашиналар тўғрисида<br>маълумот                                                                                                                                                       | Чоракдан<br>кейинги ойнинг<br>15 санасига<br>қадар | “Open Data”<br>портали                                       | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия)                              | Э.Хожамбердиев                 |
| 3          | Бўш иш ўринлари<br>тўғрисида маълумот                                                                                                                                                     | Чоракдан<br>кейинги ойнинг<br>15 санасига<br>қадар | “Open Data”<br>портали                                       | Инсон ресурсларини<br>ривожлантириш ва ходимларни<br>маъмурлаш департаменти | А.Бобоев                       |
| 4          | Режалаштирилган давлат<br>бюджети харажатлари<br>(вазирлик ва идоралар                                                                                                                    | Ҳар йили апрель<br>ойида                           | “Open Data”<br>портали                                       | Давлат бюджети департаменти                                                 | Ж.Авлиякулова                  |

|   |                                                                                                                                                                                                          |                                           |                                      |                                                                                                     |               |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|--------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|
|   | кесимида;<br>тармоқлар кесимида;<br>иқтисодий тасниф кесимида;<br>худудлар кесимида)                                                                                                                     |                                           |                                      |                                                                                                     |               |
| 5 | Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг ижроси тўғрисидаги маълумотлар (вазирлик ва идоралар кесимида;<br>тармоқлар кесимида;<br>иқтисодий тасниф кесимида;<br>худудлар кесимида) | Чоракдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар | “Open Data” портали                  | Давлат бюджети департаменти                                                                         | Ж.Авлиякулова |
| 6 | Давлат мақсадли жамғармалар тўғрисида маълумотлар                                                                                                                                                        | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси   | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Худудлар молияси департаменти                                                                       | Р. Маманов    |
|   |                                                                                                                                                                                                          | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси   | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва давлат ижтимоий хизматлари тармоқларида бюджет сиёсати департаменти | Г. Муродова   |
|   |                                                                                                                                                                                                          | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси   | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Таълим, фан ва маданият тармоқларида бюджет сиёсати департаменти                                    | А. Эшчанов    |
|   |                                                                                                                                                                                                          | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси   | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти                                                   | Ж. Буриев     |
|   |                                                                                                                                                                                                          | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси   | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Истеъмол бозори, транспорт, алоқа ва туризм соҳаларини молиявий тартибга солиш департаменти         | З. Астанов    |
|   |                                                                                                                                                                                                          | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси   | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида бюджет сиёсати                                                  | А. Хасанов    |

|   |                                                                                                                                                                                            |                                         |                                                             |                                                                               |                |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|-------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------|----------------|
|   |                                                                                                                                                                                            | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти                        | Молия вазирлиги Ғазначилиги                                                   | М. Атаджанов   |
|   |                                                                                                                                                                                            | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти                        | Давлат ривожлантириш дастурларини молиявий таъминлаш департаменти             | С. Садуллаев   |
|   |                                                                                                                                                                                            | Чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санаси | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти                        | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини молиявий тартибга солиш департаменти | Б. Ганиходжаев |
| 7 | Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолиятига оид ҳисоботи (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).                                     | Хар йили 1 мартга қадар                 | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти                        | Ишларни бошқариш департаменти (бухгалтерия)                                   | Э.Хожамбердиев |
| 8 | Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) | Хар чорак охири 15 санасигача           | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти<br>“Open Data” портали | Ишларни бошқариш департаменти (бухгалтерия)                                   | Э.Хожамбердиев |
| 9 | Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан      | Хар чорак охири 15 санасигача           | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти<br>“Open Data” портали | Ишларни бошқариш департаменти (бухгалтерия)                                   | Э.Хожамбердиев |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                  |                                            |                                                |                |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|--------------------------------------------|------------------------------------------------|----------------|
|    | боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно)                                                                                                                                                                                                                                 |                                  |                                            |                                                |                |
| 10 | Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин)                                                                                       | Хар чорак охири<br>15 санасигача | Молия<br>вазирлигининг<br>расмий веб-сайти | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |
| 11 | Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:<br><br>харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор;<br><br>харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва | Доимий<br>равишда                | Молия<br>вазирлигининг<br>расмий веб-сайти | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                  |                        |                                                |                |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|------------------------|------------------------------------------------|----------------|
|    | отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими)                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                  |                        |                                                |                |
| 12 | Давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда тегишлича ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, назорат тадбирининг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотлар (тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг) | Хар чорак охири<br>15 санасигача | “Open Data”<br>портали | Давлат молиявий назорати<br>инспекцияси        | Д.Султанов     |
| 13 | Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар                                                                                                                                                              | Хар чорак охири<br>15 санасигача | “Open Data”<br>портали | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |
| 14 | Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек,                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | Хар чорак охири<br>15 санасигача | Молия<br>вазирлигининг | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                          |                                  |                                                                          |                                                |                |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------|----------------|
|    | ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар                                                                                                          |                                  | расмий веб-сайти<br><br>“Open Data”<br>портали                           |                                                |                |
| 15 | Давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар                                             | Хар чорак охири<br>15 санасигача | “Open Data”<br>портали                                                   | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |
| 16 | Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар | Хар чорак охири<br>15 санасигача | Молия<br>вазирлигининг<br>расмий веб-сайти<br><br>“Open Data”<br>портали | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |
| 17 | Давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги хизмат автомототранспорт                                                                                                                                                                                  | Хар чорак охири<br>15 санасигача | Молия<br>вазирлигининг<br>расмий веб-сайти                               | Ишларни бошқариш департаменти<br>(бухгалтерия) | Э.Хожамбердиев |

|    |                                                                                                                                                                                                          |                               |                                                                 |                                                                                                     |              |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|-----------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
|    | воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа махсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно) |                               |                                                                 |                                                                                                     |              |
| 18 | Давлат олий таълим муассасаларининг даромадлари, харажатлари тўғрисидаги маълумотлар                                                                                                                     | Хар чорак охири 15 санасигача | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти<br><br>“Open Data” портали | Таълим, фан ва маданият тармоқларида бюджет сиёсати департаменти                                    | А.Эшчанов    |
| 19 | Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олаётган шахслар (кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам) тўғрисидаги вилоят, туман, шаҳарлар кесимидаги маълумотлар     | Хар чорак охири 15 санасигача | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти<br><br>“Open Data” портали | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва давлат ижтимоий хизматлари тармоқларида бюджет сиёсати департаменти | Г.Муродова   |
| 20 | Давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:<br><br>жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги                                   | Хар чорак охири 15 санасигача | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти                            | Ахборот хизмати                                                                                     | М.Ҳамроқулов |

|    |                                                                                                                                                                                         |                               |                                      |                                                                   |                |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|--------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|----------------|
|    | <p>маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);</p> <p>жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар</p>       |                               |                                      |                                                                   |                |
| 21 | <p>Давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно)</p>  | Хар ярим йилда                | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Макроиктисодий таҳлил департаменти                                | З.Ибрагимов    |
| 22 | <p>Давлат органларига доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар</p> | Хар чорак охири 15 санасигача | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Ишларни бошқариш департаменти (бухгалтерия)                       | Э.Хожамбердиев |
| 23 | <p>Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган</p>     | Хар чорак охири 15 санасигача | Молия вазирлигининг расмий веб-сайти | Давлат ривожлантириш дастурларини молиявий таъминлаш департаменти | С.Садуллаев    |

|  |                                                                    |  |  |  |  |
|--|--------------------------------------------------------------------|--|--|--|--|
|  | тўғридан-тўғри хорижий<br>инвестициялар тўғрисидаги<br>маълумотлар |  |  |  |  |
|--|--------------------------------------------------------------------|--|--|--|--|

Такдим этилган маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш  
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар                                                                                      | Тадбирлар                                                                                                                                                                                               | Муддатлар                                                                                 |
|-----------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1-босқич  | Расмий веб-сайтларда эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни такдим этувчи (ишлаб чиқувчилар) | Маълумотларни “XLS” ва “PDF” форматларда шакллантирган ҳолда ишчи органга такдим этадилар                                                                                                               | Маълумотни расмий веб-сайтда эълон қилиш керак бўлган муддатдан <b>камида 5 кун аввал</b> |
| 2-босқич  | Ишчи орган                                                                                      | Такдим этилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун киритади                                                                                                                 | 2 иш кунida                                                                               |
| 3-босқич  | Ишчи гуруҳ                                                                                      | Такдим этилган маълумотларни кўриб чиқиб, уларни расмий веб-сайтга жойлаштириш юзасидан қарор қабул қилади                                                                                              | 1 иш кунida                                                                               |
| 4-босқич  | Ишчи орган                                                                                      | Ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилган маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш мақсадида Ахборот технологиялари марказига такдим этади.                                                             | Қарор қабул қилинган куннинг ўзида                                                        |
| 5-босқич  | Ахборот технологиялари маркази                                                                  | Ишчи орган томонидан такдим этилган маълумотларни расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида очилган алоҳида саҳифага жойлаштирилишини ҳамда ушбу юзасидан “янгиликлар” рукнида пост қолдирилишини таъминлайди. | Маълумотлар такдим этилган кундан кечиктирмасдан                                          |